

Жиноят кодексининг 13-моддасига мувофиқ, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга эканлиги ҳақидаги қонун талабларига риоя қилинмаганлиги суд қарорларини ўзгартиришга сабаб бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди апелляция инстанциясининг 2008 йил 12 августдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу вилоят судининг 2008 йил 27 июндаги ҳукмига асосан:

Ў. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «а,в,ж,и,п» бандлари билан 21 йил, 164-моддаси 4-қисми “а” банди билан 15 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 23 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган;

М. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «а,в,ж,и,п» бандлари билан 21 йил, 164-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан 15 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 22 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, ў ва М. қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этганликда айбли деб топилганлар.

Ў. қайнукаси М. билан қўшниси, Муборак шаҳри, Х.Ҳамраев кўчаси, 13-уйда яшовчи Х.ни қасддан ўлдириб, унинг бойликларини босқинчилик йўли билан эгаллаш ҳақида ўзаро жиноий тил бириктириб режа тузишган.

Жиноий режаларини амалга ошириш мақсадида ў. ва М. 2007 йил 4 октябрь куни спиртли ичимлик истеъмол қилишиб, соат 23ларда Х.нинг ҳовлисига сим ёғоч орқали киришган. Ҳовлида Х. ва унинг турмуш ўртоғи Қ.дан бошқа ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилишиб, бошларига ниқоб

кийишиб, М. ярим метрлик ёғоч билан қуролланиб, уй эшигининг кулфини бузиб киришган. Шу ерда кекса ёшдаги Қ.ни ўзларига аён бўлган ожиз аҳволда эканлигидан фойдаланишиб, уни қасддан ўлдириш мақсадида, ёғоч билан танасининг турли жойларига уришиб, Қ.нинг оёқ ва қўлларини боғлашиб, уйнинг ўнг томонидаги кичик хонага судраб киритиб қўйишган. Шундан сўнг М. ётоқхонада ётган кекса ёшдаги Х.ни ўзларига аён бўлган ожиз аҳволда эканлигидан фойдаланиб, қасддан ўлдириш мақсадида, ёғоч бўлаги билан бир неча мартаба уриб, ҳушсиз ҳолатга келтиришиб, уни ҳам уйнинг кичик хонасига судраб кириб, оёқ ва қўлларини боғлаб қўйишган. Х.нинг уйидаги қимматбаҳо буюмларни қидиришиб, ётоқхонада турган сейф қулфланган бўлганлиги сабабли, уни очиша олмаганликлари учун Х. ва Қ.дан сейф калитини топиб беришни талаб қилишган. Бироқ жабрланувчилар сейфнинг калити қаерда эканлигини айтишмаганидан сўнг улар таъмагирлик ниятида Х. ва Қ.ни бир-бирларининг кўз ўнгида, ёғоч бўлаги ҳамда қўллари билан уриб, оёқлари билан тепиб, уларнинг бош қисмига кўрпаларни ташлаб, азоб бериб, ўта шафқатсизлик билан қасддан ўлдиришган.

Шундан сўнг ў. билан М. ошхонадан болта, ҳовлидаги гараждан стабилизатор ва турли темир бўлақларини олиб, ётоқхонадаги сейфни бузишиб, ичидаги 5.219.000 сўмлик тилла тақинчоқ ва бошқа қимматбаҳо буюмларни, 1.000.000 сўм ҳамда 2.000 АҚШ долларини, жами 8.810.040 сўмлик моддий бойликларни босқинчилик йўли билан талон-торож қилиб, жабрланувчиларга жуда кўп миқдорда моддий зарар етказишган.

Жиноят кодексининг 13-моддасига мувофиқ, қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга

киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан, жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар тадбиқ этилади.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, ў. ва М.нинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган ҳамда уларнинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилган бўлса-да, жазо тайинлашда қонуннинг ушбу талабларига риоя қилмаган.

Иш ҳолатидан кўринишича, ў. билан М. 2007 йилнинг 5 октябрь кунига ўтар кечаси Ф.нинг оиласига босқинчилик қилиб, Х. билан Қ.ни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан ўлдиришган.

Ушбу жиноят содир қилинган даврда Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми санкциясида ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлдаги **“Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонунга асосан, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб Жиноят кодексининг жазо тизимидан ўлим жазоси чиқарилиб, узоқ муддатли ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазолари киритилди.

Бироқ суд ў. ҳамда М. жиноятни ушбу қонун кучга киргунга қадар содир этишганликларини, улар жиноят содир қилган даврда амалда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси эмас, балки ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилганлигини эътиборга олмасдан, узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб хатога йўл қўйган.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Олий суд судлов ҳайъатининг 2011 йил 7 июлдаги ажрими билан суд қарорлари ўзгартирилиб, ў. ва М.га

нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “а,в,ж,и,п” бандлари билан тайинланган жазони қонунга мувофиқлаштириб, ў. ва М.ларга нисбатан Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми “а,в,ж,и,п” бандлари билан тайинланган 21 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилиб, 164-моддаси 4-қисми “а” банди билан тайинланган 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўзгаришсиз қолдирилиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида, ҳар иккаласига узил-кесил ўташ учун 20 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Жазонинг ўталмаган қисми Олий Мажлис Сенатининг 2007 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарори 7-бандининг “б” кичик бандига асосан тўртдан бирига қисқартирилди.

ЖСХ-139-11-сонли ажрим